

Қизиқиш билдириш сўрови

Давлат: Ўзбекистон Республикаси

Лойиҳа: "Маҳаллий аҳамиятидаги автомобил йўлларини ривожлантириш"

ХТА кредити: №56790-UZ

Тошкент вилоятида маҳаллий аҳамиятидаги автомобил йўлларинининг кўшимча участкаларини таъмирлашга
Техник назорат

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси "Маҳаллий аҳамиятдаги автомобил йўлларни ривожлантириш" лойиҳаси билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун Жаҳон банкдан кредит олган бўлиб, айти пайта ушбу маблағларнинг бир қисмини консалтинг хизматларини йўналтирмоқчи

Консалтинг хизматлари ("Хизматлар") қўйидагиларни ўз ичига олади:

(i) Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари қўмитаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига (Бююртмачи) қўрилиш ишларини сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида шартномаларни бошқариш ва техник назоратни амалга оширишда қўмаклашиш.

(ii) Йўл лойиҳасига биноан атроф-муҳитни маҳофаза қилиш ва ижтимоий ҳимоя чораларини тўлиқ бажарилишини таъминлаш

Маҳаллий консалтинг компанияси ўз хизматларини 5 ой давомида тақдим этади.

Республика йўл жамғармаси ваколатли консалтинг компанияларини (Маслаҳатчи) хизмат кўрсатишга Қизиқиш билдиришга таклиф этади. Манфаатдор компаниялар хизматларни бажариш учун малака ва тегишли тажрибага эга бўлганлиги тўғрисида маълумот тақдим этишлари керак (рисолалар, ўхшаш топшириқларни тавсифи, ўхшаш шароитдаги иш тажриба, ходимларнинг тегишли малакалари ва бошқалар).

Фақат малакали компаниялар қисқа рўйхатга қиритилади. Қисқа рўйхат мезонлари қуйидагича:

- Малаҳатчининг умумий ва махсус, шу жумладан халқаро молия институтлари томонидан малялаштрилган йўл қурилишига техник назорат кўрсатиш бўйича тажрибаси;

- Ўзбекистон Республикасида олдинги иш тажрибаси;

- 8 йиллик махсус тажрибага эга малакали тайинланган экспертлар ва асосий экспертларнинг мавжудлиги.

Манфаатдор компаниялар Жаҳон банкининг 2011 йил январдаги ва 2014 йил июль ойида таҳрирланган "Жаҳон банки қарз олувчилари томонидан ХТТБ ва ХТА кредитлари ва грантлари учун маслаҳатчиларни танлаш ва йўллаш" ("Маслаҳатчилар учун кўрсатмалар") йўриқномасининг 1.9 ва 1.11-бандларига мувофиқ Жаҳон банкининг манфаатлар тўқнашуви ва мувофиқлик бўйича сиёсатига эътибор беришлари керак.

Маслаҳатчиларнинг Қизиқиш билдиришга сўровлари индивидуал фирма, қўшма корхона йўки суб-консультант бирлашма шаклларида тақдим этишлари мумкин. Қўшма корхонанинг барча иштирокчилари бутун топшириқларнинг бажарилиши учун биргаликда ва алоҳида жавобгар бўладилар. Бироқ, суб-консультантнинг тажрибаси қисқа рўйхатга олиш учун ҳисобга олинмайди. Маслаҳатчи Жаҳон банкинг 2011 йил январдаги ва 2014 йил июль ойида таҳрирланган "Жаҳон банки қарз олувчилари томонидан маслаҳатчиларни танлаш ва йўллаш" йўриқномасида тавсифланган малака асосида танланади. Қўшимча маълумотларни қўйидаги манзил бўйича иш вақти 09:00 дан 18:00 гача олишингиз мумкин.

Қизиқиш билдиришномалари 2022-йил 20-июнгача ёзма равишда қўйидаги манзилга (шахсан ёки почта, факс, электрон почта орқали) асл нусхаси инглиз тилида ва нусхаси рус тилига таржима билан тақдим этилади. Инглиз ва рус тилидаги ҳужжатлар ўртасида фарқлар мавжуд бўлса, инглиз тилидаги нусха устунлик қилади.

Техник топшириқни олиш учун қўйидаги ҳавола бўйича ўтинг йўки электрон почта манзилига сўров юборинг:

Улуғбек Ганиев

"Махаллий аҳамиятидаги автомобил йўлларини ривожлантириш" ЛАОГ директори

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари кўмитаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси

100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Мустақиллик кўчаси 68а, 6-қават, 607-сонли хона

Тел: +(99871) 286-11-74, +(99871) 286-11-84;

Электрон почта: rrdproject14@gmail.com